



PROBLEMS OF PUBLIC SAFETY IN HOJI MUIN'S JOURNALISM

Sagatov Dzhumadulla Turabekovich

She is an independent researcher at the Uzbek
University of Journalism and Mass Communications
tel: 99-8406089, 99-856-80-85,
email: dzhumadullasagatov@mail.ru



Abstract:

The article examines the contribution of Haji Muin, a great representative of the Jadid movement, to the development of the Jadid press, and his research on public safety, especially health and environmental issues in Turkestan.

Keywords:

Colonial policy, jadidism, journalism, healthcare, epidemic, security culture.



XIX asrning oxiri – XX asrning boshlariga kelib, Turkistonda Chor Rossiasining mustamlakachilik siyosati natijasida jamiyatda siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy haet inqiroz ekasiga keladi. Bu davrda Turkistonda Chor Rossiasini mustamlakachiligidan kutulish, mamlakatda huquqiy-demokratik davlat barpo etish, mamlakatda siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy taraqqiyotni amalga oshirish, xalqniqashshoklik va bilimsizlik botqogidan olib chiqish uchun jadidchilik harakati pайdo buldi. Jadidchilar yurtimizni istiqloqlik, xalqimizning ozodligi, erkinligi, kelajak avlodlarining tinch va farovon haetini ta'minlash iylida mardona kurash olib borib, shu iylida shahid ketdilar. Jadidchilik harakati haqida Prezidentimiz Sh.Mirziyev 2020 yil 31 avgustda “Qatag'on kurbonlarini ed etish kuni” munosabati bilan Shahidlar xotirasini xiyoboniga tashrif vaqtida quyidagi fikrlarni kelтириб utgan: “Bu insonlar haqiqiy etakchilar, ilgor ziyolilar, adabiyot, madaniyat namoynalari, boshqacha aytganda, millatimizning, xalqimizning eng sara vakillari edi. Tasavvur qiling, agar ular qatag'on qilinmaganda vatanimiz rivojini uchun ilm-fan, iqtisodiyot, madaniyat va adabiyotimiz uchun qanday buyuk ishlar qilgan bular edi, xalqimizni oltinga boshlardir[1].

Jadidchilar Turkistonda moddiy va ma'naviy tanazzuldan chiqishning asosiy iyli ma'rifot, ilm-fan va madaniyat ekanligini tarqib qilib maqsadida ulkada milliy nashrlarni tashkil qildilar. Ayni shu davrda uzbek milliy matbuoti shakllanib, kiska vaqt ichida katta taraqqiyot iylini bosib utdi. Bu davr uzbek jurnalistikasini tarixining etuk publitsistlar etishi chiqqan “olting davri” hisoblanadi. Bular: Ma'xudxoja Behbudiy, Mu'navvarqori Abdurashidxonov, Abdulla Avloniy, Ubaydulla Asadulla'jaev, Abdulxamid Sulaymon ugli Chulpon, Abduraxmon Sidiqov, Tulagan Xujamiyev, Hoji Muin va boshqalardir[2].

Жадидчилар ҳаракатининг буюк намоёндаларидан бири илғор маърифатпарвар, педагог, шоир, таржимон ва публицист Ҳожи Муин Шукрулло ўғлидир. Ҳожи Муин 1883 йил 19 мартда Самарқандда савдогар оиласида туғилган. Ёшлигида ота-онасидан етим қолган Ҳожи Муин масжид имоми бўлган бобоси Мирсаид Шариф ўғли қўлида тарбия олади. Ҳожи Муин ёшлигидан илмга катта қизиқиши туфайли араб тили қоидалари ва диний илмдан бошланғич таълимни бобосидан олган. Ҳожи Муин 1900 йилда ўз даврининг таниқли зиёлиларидан бўлган Сайидахмад Васлий танишиб, ундан араб тили қоидаларини мукаммал ўрганади. Сайидахмад Васлий уни ўз даврининг маърифатпарварлари даврасига олиб кирди. Ҳожи Муин 1901 йили эски мактабда муаллимлик фаолиятини бошлайди. Бу соҳадаги муайян тажрибалари натижасида 1903 йили Хўжа Нисбатдор маҳалласида ўзи янги усулдаги мактаб очади. Худди ана шу йили Васлийнинг уйида Маҳмудхўжа Бехбудий билан танишуви унинг ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Ҳожи Муин ўз замонасининг илғор педагоги сифатида мактаб болалари учун “Раҳнамои савод” алифбоси ҳамда И. Раҳматуллазода билан ҳамкорликда “Ўқитувчи” номли алифбо китобларини ёзиб, чоп эттирган.

XX аср Туркистон миллий матбуотида Ҳожи Муиннинг долзарб мавзудаги публицист асарлари катта қизиқиш билан ўқувчилар томонидан ўқилган. Ўша давр вақтли матбуотида фаол иштирок этган Ҳожи Муин ўз кундалигида ёзишча, 1907-1937 йиллар давомида 23 хил газета ва журналларда 200 тача мақола, 400 тача хабар ҳамда ўзбек ва тожик тилларидаги 1500 мисрага яқин шеърлари билан қатнашган[3]. Ҳожи Муиннинг матбуотда чоп этилган публицистик асарлари ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, муаллиф Туркистон халқларининг ижтимоий ҳаётидаги энг долзарб муаммоларидан бири бўлган соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини кескин танқид қилади. Хусусан, “Ойна” журналининг 1914 йил 33-сонида чоп этилган “Тибб ва ҳифзус-сиҳхатда риоятсизлигимиз” номли мақоласида куйидаги фикрларни келтиради: Дини мубини ислом, кўб амрларда (тахорат, намоз, ғусл...) каби жумла мусулмонларни назофат ва покизалик ила юрмоқларига буюруб ва шунинг учун “Буниял-исламу алан-назафати” — (Ислом покликка қурилган — Н. Н.), “Ан-назафату шатр ул-имон” — (Поклик имоннинг бир бўлагидир-Н. Н.) демишдур. Мундан бошқа неча оят ва ҳадислар мазмунидан ҳифзи сиҳхат қоидаларига риоят этуб либос, таом, уй, ҳатто кўчаларни покиза тутмоғимизнинг лозимлиги англашилгон ҳолда бизлар бул хусусда ҳеч бирисига аҳамият бермай, киру ифлослик ила маишат этиб, ўзимизни турли дарду балоларга гирифторм ва нобуд этмақдамиз. Кунда ўн мартаба бўлса ҳам таом еярмиз. Унинг миждимизга фойдалиқ ёки зарарлигини ҳаргиз ўйламаймиз. Қолбуки, аксар хасталиқ бемавруд ва ё зарарлиқ таом емоқдан пайдо бўлур. Сув ичармиз ва анинг микроб (майда курт)лари ва нопоклигига диққат этмаймиз. Қолбуки, аксар ҳавузлардаги сувнинг ярми курт бўлуб, ранг, бўй ва мазаси ҳам тағйир тобгандур. Мундай сувнинг кўб дардларга сабаб бўлиши маълумдур. Бухоро аҳолисининг аксарият ила (дардчил ва ришта) хасталигига мубталоликлари ифлос сувларни ичмоқдан бўлса керак. Яна бизларнинг жаҳолатимиздин нашъат этган бир одатимиз борки, мабодо касал бўлуб қолсак, муолажа учун фолбин, қабристон ва азайимхонлардан маслаҳат ва шифо истаб беҳуда ерда неча сўмлардан ажраймизки, агар бу оқчаларни ҳозик, табиб — дуктур ва керакли доруларга сарф килинса, дарддин шифо топмак умидлироқдир. Қолбуки, фолбинлар сўзига ишонмоқ шаръан дуруст эмас. Бас, аларнинг сўзи ила амал қилмоқ қайда қолди? Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хасталар учун табибларга мурожаат этмоқга буюрганлари, ҳатто ўзлари ҳам табиблардан дору сўраганлари марвийдур. Бурунги асрларда уламои ислом тиб ва ҳифзи сиҳхат хусусида неча китоб ёзиб, бул муборак фаннинг тавсиъ ва такмилига хейли хизмат этмишлар. Аммо бу замонда бизлар тиб ва табиблардан қочиб, фолбин, раммол, қабристон ва дуохонларга сиғинамизки, бу иш тарих ва улуми лозимадан хабарсизлигимизнинг аломатидур. Дуруст, ҳозирги мусулмон табиблардан қочмоққа ҳам ҳаққимиз бор. Чунки

буларнинг қўбиси илми тибдан беҳабардурларки, дарднинг зўраймоғига ва хастанинг тезроқ охиратга сафар қилдурмоқға сабаб бўлмоқдан бошқа хунарлари йўқдур. Лекин ҳақиқий табиб ва дўқтурға ружуъ қилмоқ керакдур[4]. Мақолада муаллиф Ислом динида мусулмонларнинг шахсий гигиена, атроф-муҳит ободонлиги масалаларига риоя қилиши кўрсатиб ўтилганлигига қарамасдан, маҳаллий аҳолининг шахсий гигиена, овқатланиш тартиби, атроф-муҳит тозаллигига умуман эътибор бермасдан, оғир санитар-гигиеник шароитларда яшаётганлиги, бунинг оқибатида турли касалликларнинг авж олаётганлигини айтиб ўтади. Бухорода ифлос ҳовузлардан аҳолининг сув ичиши натижасида турли касалликлар ёки ришта касаллиги (гижжа касаллиги - аллергия ва жойли яллиғланишлар билан кечадиган касалликлар) келиб чиқаётганлиги, аҳолининг бундан азият чекаётганлиги, халқнинг саводсизлиги ва билимсизлигидан табибларга мурожаат қилмасдан, турли фолбин, дуохон ва қабристонларга сиғиниш орқали даво топишга ҳаракат қилиши, шунингдек маҳаллий табибларнинг билими етарли эмаслигини танқид қилади. Чунки ўша давда Туркистон ўлкасида турли касалликлар ва эпидемиялар тарқалиши натижасида минглаб инсонлар ҳалок бўлган. Масалан, Тошкентдаги 1892 йилдаги вабо эпидемияси ҳақида матбуотда қуйидаги хабарлар берилган: Тошкент шаҳрида 1892 йилнинг 7 июнидан 18 августига шифокор назоратида даволанган 669 кишидан 307 бемор вафот этган, бундан ташқари шифокор назоратида 93 бемор бўлган бўлса, шулардан 44 нафари вафот этган, шифокор назоратида бўлмаган 2412 нафар киши вабодан вафот этган[5].

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ҳожи Муин ўз публицистик асарларида мамлакатда инсонлар саломатлиги сақлаш, санитар-эпидемиологик шароитнинг барқарорлигини таъминлашга жиддий эътибор бериш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда аҳолини маърифатли қилиш орқали уларнинг хавфсизлик маданиятини шакллантириш масалалари батафсил ёритилган.

Адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев “Агар улар қатағон қилинмаганида, буюк ишларни амалга оширган бўлар эди” <https://president.uz/uz/31.08.2020> й.
2. Б.Дўстқораев “Ўзбекистон журналистикаси тарихи”.Т: Ғ.Ғулом НМИУ 2009 й. 318 б.
3. [https:// ziyouz.uz/uzbek-ziyolilari/hoji-muin-2](https://ziyouz.uz/uzbek-ziyolilari/hoji-muin-2)
4. Ҳожи Муин “Тибб ва ҳифзус-сиҳхатда риоятсизлигимиз” “Ойна” журналининг 1914 йил 33-сон. <https://ziyouz.uz>.
5. Ҳожи Муин “Бизда соғлиқни қакшатиш ишлари”. “Машраб” - ҳажвий журнали. 1925 йил 20 сон. <https://ziyouz.uz>.
6. К.Шульгин “Холерная эпидемия” в Туркестанском крае в 1892 г. Туркестанские ведомости.1893 г.№ 101.